

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Г.Б.Жамалова – ўқитувчи

Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти

Таянч сўзлар: солиқлар, солиқ ставкалари, солиқ юки, солиқ имтиёзлари, солиқ ва бухгалтерия ҳисоби, йирик солиқ тўловчи, рақамли иқтисодиёт, рақамли солиқ тизими.

Ключевые слова: налоги, налоговые ставки, налоговая нагрузка, налоговые льготы, налог и бухгалтерский учёт, крупный налогоплательщик, цифровая экономика, цифровая налоговая система.

Key words: taxes, tax rates, tax burden, tax benefits, tax and accounting, large taxpayer, digital economy, digital tax system.

Кириш. Солиқ тўловларининг нафақат иқтисодиёт, балки, корхоналар фаолиятига таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш ва қарорларни қабул қилиш солиқ сиёсатининг асосий вазифаларидан саналади. Солиқ тўловларининг вужудга келиши, солиқ тўловлари базасини аниқлаш, солиқ имтиёзлари ва улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилига бевосита боғлиқ бўлиб, бу солиқларнинг йиғилувчанлиги ва яширин иқтисодий фаолиятни чеклашга хизмат қилади. Маълумки, мамлакатимизда ҳозирги кунда макро ва микро даражада солиқ тўловлари ҳисоби тизимини такомиллаштиришга, солиқ тизимида рақамли технологияларни янада кенг жорий этишга қаратилган тадқиқотларга эҳтиёж юқоридир.

Тадқиқотнинг мақсади: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида солиқ ислохотлари ва солиқ тўловлари ҳисобининг назарий ва техник масалаларини ўрганишга эътибор қаратилган.

Ушбу мақсадда мақоланинг мазкур қисмида қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш йўллари;

солиқ тўловлари ҳисобининг назарий-услубий, масалалари;

солиқ тизимида рақамли технологияларни жорий этишнинг техник масалалари;

солиқ харажатларини бухгалтерия ҳисобида тан олишнинг назарий масалалари.

Тадқиқот жараёнида қуйидагилар ўрганилди. Бугунги кунда мамлакатимизда солиқ ислохотлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон фармонининг [1] қабул қилиниши солиқ сиёсати бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлди. Чунки бу солиқ концепцияси ўз ичига қўлаб вазибаларни қамраб олганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Жумладан, Фармонда назарда тутилган солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланиши таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонида Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилаб берилди:

иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича

солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номуносибликларни бартараф этиш;

солиқларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион харажатларни минималлаштириш;

макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;

солиқ қончилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;

солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солиқ қончилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан, кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг миқдорларини белгилаш;

хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш;

солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармонида солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлашда унинг стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқиши лозимлиги белгилаб берилган эди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389 сонли Қарори [3] қабул қилинди ва ушбу қарор билан «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси» [4] маъқулланди. Шунингдек, ушбу қарорга асосан «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси»нинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Стратегиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

Давлат бюджетига солиқ тушумларининг

барқарорлигини таъминлаш;


солиқ органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш ва солиқ маъмуриятчилигига рақамли технологияларни жорий этиш орқали кўрсатилаётган солиқ хизматлари сифатини яхшилаш;

барча тоифадаги солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий равишда бажариш асосида уларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ишончли муносабатларни яратиш;

солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартириш, барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қулай шароитларни таъминлайдиган транспарент ва барқарор солиқ тизимини шакллантириш;

солиқ тўловчилар фаолиятига аралашини, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида “инсон омили”ни ҳамда коррупция ҳолатларининг салбий кўринишларини камайтириш имконини берадиган таваккал-тахлил ва масофавий тахлилий ишлар тизими асосида солиқ назорати тизимини шакллантириш.

Стратегиянинг асосий йўналишлари этиб Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш; Хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш; Солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш; Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш; Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантириш белгиланган [5]. (1-расм).



1-расм. Стратегиянинг асосий йўналишлари.

Стратегияда «Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш» йўналиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Солиқ ва солиқ режимларини бирхиллаштириш, шунингдек, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш.

2. Солиқ юкини (камайтириш ва бараварлаштириш) оптималлаштириш.

3. Солиқ имтиёзларининг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида уларни тақдим этишнинг аниқ меъзон ва механизмларини белгилаш.

4. Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби ўртасида фарқни имкон қадар камайтириш.

5. Жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда ролини кучайтириш ва ҳиссасини ошириш.

6. Хорижий давлатлар тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, таваккалчиликларни баҳолашнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва иқтисодий фаолият соҳасида хуфиёна айланма ҳамда назорат қилинмайдиган даромадлар қўламини қисқартириш.

7. Солиқ қонунчилиги соҳасидан ташқарида фаолиятни амалга оширадиган шахсларни норасмий сектордан чиқишига (қонунийлаштиришига) кўмаклашиш.

8. Трансферт нархни белгилаш соҳасида солиқ маъмуриятчилигининг янги услубларини жорий этиш.

9. Йил якунида жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўловчиларни 1,5 баравар, қўшилган қиймат солиғини тўловчиларни 2 баравар ҳамда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи тўловчиларни 2 баравар кўпайтириш.

Тадқиқот методологияси. Биз ушбу мақолада асосан солиқ юкини (камайтириш ва бараварлаштириш) оптималлаштириш, солиқ имтиёзларининг самарадорлик даражасини баҳолаш асосида уларни тақдим этишнинг аниқ меъзон ва механизмларини белгилаш, солиқ ва бухгалтерия ҳисоби ўртасида фарқни имкон қадар камайтириш масалаларига тўхталамиз ва тегишли ҳуқуқсалиҳотларни берамиз.

Юқоридаги вазифаларни бажаришда йирик солиқ тўловчиларни ўрни алоҳида. Йирик солиқ тўловчиларни аниқлаб олиш борасида ҳам тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг меъзонларини белгилаш тўғрисидаги» [7] низомни Адлия вазирлигининг 2019 йил 8 июлдаги 2019-45-сонли қарори асосида 2019 йил 12 июлда 3172-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389 сонли Қарори билан «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»» ҳам маъқулланган бўлиб, унинг асосий йўл харитаси 2-расмда келтирилган.



2-расм. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» [8].

Ушбу қарорга асосан йирик солиқ тўловчилар – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган меъзонлардан келиб чиққан ҳолда, солиқ маъмуриятчилигига мансуб бўладиган айрим тоифадаги юридик шахслардир. Меъзонлар уларга солиқ солиш тартибини танлаш ёки ўзгартириш ҳуқуқини беради (Солиқ кодексининг 22-2-моддаси). Уларнинг солиқ маъмуриятчилиги йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Қабул қилинган ҳужжатдан келиб чиқиб, қуйидагилар йирик солиқ тўловчилар ҳисобланади:

акқиз солиғига тортиладиган товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар;

банклар ва уларнинг филиаллари, товар-хомашё, фонд ва валюта биржалари;

«Навоий КМК» ДК, «Олмалик КМК» АЖ ва уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар;

махсулот тақсимога оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган ташкилотлар;

йил якуни бўйича махсулотларни (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан олинган соф тушуми 100 млрд.

сўмдан юкори бўлган юридик шахслар.

Солиқ тўловчиларни мазкур меъзон бўйича йирик солиқ тўловчилар жумласига киритиш солиқ органларига ўтган календарь йили учун тақдим этилган солиқ ҳамда молиявий ҳисоботлар асосида амалга оширилади. Йирик солиқ тўловчилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси томонидан ҳар йили кейинги солиқ даври бошланишидан 1 ой олдин тасдиқланади. Рўйхатга киритилган ёки ундан чиқарилган ташкилотлар бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан 5 кун ичида ёзма равишда, шу жумладан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилинади.

Рақамли иқтисодиётнинг жорий этилиши одамлар ҳаётида, хуфиёна иқтисодиёт ва коррупциянинг камайгани, давлат хизматларини кўрсатиш тезлашганида яққол намоён бўлади. Бу вазифалар ижроси ҳар бир тармоқ ёки соҳа идоралари томонидан таъминланади.

Маълумотларга қараганда, 2016 йилда ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодиётнинг улуши 59 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 11 фоизга пасайтирилди ёки 48 фоизга туширилди. Бу, ўз навбатида, солиқ тушумларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиб, 2016 йилга нисбатан 2020 йилда тушумлар 3,3 баробар ўсди (2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида пандемиядан олдинги 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 марта ортди).

Сўнгги йилларда солиқ тизимида учта бўгин – Давлат солиқ қўмитаси, Давлат солиқ бошқармаси ва Давлат солиқ инспекциялари вазифаларининг чегараси аниқ белгилаб олинди. Авваллари қўмита ва бошқармалар умумий назорат олиб бориш ва солиқларни йиғиш билан шуғулланмас эди. Бунинг учун давлат солиқ инспекциялари масъул эди.

Эндиликда инспекциялар зиммасида умумий миқдори 16,6 фоизга тенг бўлган маҳаллий солиқларни йиғиш (*ер, мол-мулк, сув, даромад ва айланмадан солиқлар*) вазифаси қолди, холос.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш инспекцияси ташкил этилди ва 2020 йил июнь ойидан қўшилган қиймат солиғи тўловчиларга хизмат кўрсатиш вазифаси давлат солиқ бошқармаларига ўтказилиб, бюджет тушумларининг мос равишда 66,2 фоизи ва 17,2 фоизи ёки жами 83,4 фоизи қўмита ва бошқармалар томонидан амалга ошириб келиняпти. Бу масъулиятли жараёнга туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ҳам жалб этилган.

– Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган эзгу ғоя, ташаббуслар кўп. Улар орасида Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!” тамойилининг ўрни жуда катта. Назаримизда, тизимга трансформация қилинаётган “Солиқчи – кўмакчи” тамойили ҳам ана шундай мақсаднинг узвий қисми ҳисобланади.

– Ушбу ғояни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қискартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий

чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан солиқ идораларининг таркибий тузилмаси тубдан қайта ислоҳ қилинди. Соҳа тарихида биринчи мартаба Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш департаменти, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлимлари ташкил этилди. Пировардида олдимизга қўйилган энг муҳим вазифа, яъни фуқароларимизнинг солиқдан қочишига эмас, балки уни ихтиёрий тўлашга ўтишига, тушумларнинг камайишига эмас, аксинча, ўсишига эришиляпти. Биргина рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман, тадбиркорларнинг айланма маблағларини кўпайтириш мақсадида, йил бошидан бугунги кунгача 9 триллион сўм ҚҚС манфий ортиқча тўловлари қайтарилди.

Қўшилган қиймат солиғи салбий фарқ суммасини қайтариш ҳақида гап кетар экан, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотида ҳам бу масала кўтарилганини, солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юқини имкон қадар камайитиришга доир муҳим йўналишлар белгиланганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2021 йил 31 декабрга қадар умумий овқатланиш корхоналари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинганлиги, 2023 йил 1 сентябрга қадар туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади.

– Мамлакатимиз иқтисодиётини узок муддатли ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган шароитда тизим учун бугунги кун талабига жавоб берадиган, ёш, янги авлод кадрларини танлаш, тарбиялаш ва малакали этиб тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу мақсадда, Президентимиз ташаббуси билан Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Фискал институт ташкил этилди. Унинг ўқув дастурлари нуфузли олий таълим институтлари ва халқаро миқёсда қўлланиладиган тамойилларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашишнинг қатъий позицияси мавжуд. Бу борада *complayens* - назорат тизими жорий этилган. Соҳада коррупцияга қарши курашиш механизми ва фаолият шаффофлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг тизимли равишда йўлга қўйилгани “CERT International” ихтисослашган халқаро ташкилоти аудиторлари ҳулосасида ҳам қайд этилди. Шу йил 23 август куни ушбу ташкилотнинг Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати ISO37001:2016 халқаро стандарти бўйича сертификати топширилди.

Хулоса. Ҳали олдинда ўзаро муносабатларда инсон омилини кескин камайитириб, соҳага рақамли технологияларни яна-да кенг жорий этиш, иқтисодиётда хуфиёна айланмалар даражасини қискартириш, умумбелгиланган декларация тизимида ўтиш, халқаро андозалардаги хизмат кўрсатиш стандартларини жорий этиш, ҳалол тадбиркорлик субъектларини яна-да қўллаб-қувватлаш, ер ва қўчмас мулкларни электрон рўйхатга олиш ва баҳолаш каби қатор стратегик вазифалар ижросини таъминлаш масъулияти турибди ва биз уларни ҳал этишга қатъий бел боғлаб киришишимиз зарур.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389 сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сонли Қарорига 1-илова «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сонли Қарорига 1-илова «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сонли Қарорига 1-илова «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси».

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг меъзонларини белгилаш тўғрисидаги низом» тўғрисидаги 2019 йил 8 июлдаги 2019-45-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4389-сонли Қарорига 2-илова «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»».

9. <https://www.mf.uz>-Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти.

10. Якубов М.С., Жамалова Г.Б. «Интеллектуальные модели и методы поддержки принятия управленческих решений в налоговой службе». Современные концепции научных исследований. 72 я Международная научная конференция. «Евразийское Научное Объединение» • № 2 (72) • Февраль, -Москва: 2021.

11. Жамалова Г.Б. «Налоговая политика на макро и микроэкономическом уровнях, ее сущность и принципы разработки». International scientific and technical journal. Innovation technical and technology Vol.1, №4.

12. Тургунов А.М., Жамалова Г.Б. «Моделирование и реализация интеллектуальной поддержки управленческой деятельности в налоговой инспекции». "Экономика и социум" ISSN 2225-1545 №6(85) ч.2 2021. www.iupr.ru

13. M.S.Yakubov, G.B.Jamalova "Methods for adaptive control of objects with variable parameters" . "E3S Web of Conferences" e3s-conferences.org 2021.

14. G.B.Jamalova "Solirlarni turli bvudietlar o'rtasida taqsimlashning texnik va iqtisodiy samaradorligi". Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume 1/ ISSUE 3, ISSN 2181-1784, SJIF 2021: 5.423 www.oriens.uz

РЕЗЮМЕ. Мақолада жаҳон амалиётида солиқлар ҳисоби ва таҳлили корпоратив бошқарувнинг муҳим элементи сифатида ўрганилади, солиқ тўловлари эса бухгалтерия ҳисобининг алоҳида объекти сифатида этироф этилади, молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва солиқ ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Халқаро амалиётда солиқ ҳисоби алоҳида юритилади, солиқ тўловлари таҳлили яширин иқтисодий тўловлар олдини олиш мақсадида ҳам макро, ҳам микро даражада ўтказилади. «Солиқ таҳлилини алоҳида объектлар ва жараёнлар бўйича ўтказилиб борилиши уларнинг йиғилувчанлигини ошириш билан бирга, солиқдан қочишни олдини олиш ҳамда солиқ қарздорлигини камайтиришга сабаб бўлган». Шу жиҳатдан, солиқ тўловлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади. Мамлакатимиз тараққиётини янги, юксак босқичга кўтариш, бунинг учун янги ислохотларни амалга ошириш ҳаётий зарурат. Бу жараёнда иқтисодий зanjирнинг муҳим халқаларидан бири бўлган солиқ тизими барчага тенг ва эркин рақобат шароитини яратишда камарбаста бўлиши керак.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается учет и анализ налогов в мировой практике как важный элемент корпоративного управления, а налоговые платежи признаются отдельным объектом бухгалтерского учета, бухгалтерский учет, управленческий учет и налоговый учет являются составными частями бухгалтерского учета. В международной практике налоговый учет ведется отдельно, анализ налоговых платежей проводится как на макро так и на микроуровне с целью предотвращения скрытой экономики. «Проведение налогового анализа по отдельным объектам и процессам при повышении их собираемости предотвратило уклонение от уплаты налогов и уменьшило налоговую задолженность». В связи с этим важным вопросом является совершенствование исчисления и анализа налоговых платежей. Жизненно необходимо поднять развитие нашей страны на новый, высокий уровень, осуществить новые реформы. В этом процессе налоговая система, являющаяся одним из важных звеньев экономической цепи, должна быть равной для всех и быть гибкой в создании условий свободной конкуренции.

SUMMARY. The article examines the accounting and analysis of taxes in world practice as an important element of corporate management, and tax payments are recognized as a separate object of accounting, financial accounting, management accounting and tax accounting are components of accounting. In international practice, tax accounting is kept separately, the analysis of tax payments is carried out at both the macro and micro level in order to prevent the hidden economy. "Conducting tax analysis on individual objects and processes, while increasing their collection, prevented tax evasion and reduced tax debt." In this regard, improving the calculation and analysis of tax payments is an important issue. It is vital to raise the development of our country to a new, high level, to implement new reforms. In this process, the tax system, which is one of the important links of the economic chain, should be equal to all and be flexible in creating the conditions of free competition.